

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17911358>

КИЧИК БИЗНЕС СЕКТОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИМКОНияТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛИШИГА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР

Ботирова Рахима Абдужаббаровна

и.ф.н., доц., НамДТУ

Аннотация - мақолада мамлакатимизда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида кичик бизнес сектори ривожланишининг имкониятлари ва йўналишлари тадқиқ этилган. Бизнесни қулайлаштириш чоралари натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, кичик бизнес сектори, бизнес-муҳит, тадбиркорлик, солиқдар, тадбиркорликни ҳимоялаш.

КИРИШ

Бугунги босқичда Ўзбекистон жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрни ва нуфузини тобора мустаҳкамлаб бораётган, халқаро ҳамжамият ҳамда глобал молиявий-иқтисодий маконнинг ажралмас таркибий қисми сифатида изчил ривожланаётган давлат сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари йил сайин чуқурлашиб, географияси кенгайиб бораётгани, етакчи ва тараққий этган давлатлар, халқаро молия институтлари ҳамда инвесторлар билан ҳамкорликнинг янги шакл ва механизмлари жорий этилаётгани бу жараённинг табиий натижаси ҳисобланади. Айниқса, саноат, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, замонавий техника ва илғор технологиялар билан қайта жиҳозлашга қаратилган дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокини кучайтирмоқда. Бу ҳолат ташқи савдо айланмасининг ўсиши, экспортбоп маҳсулотлар тури ва ҳажмининг кенгайиши, импорт жараёнларида юқори қўшилган қийматга эга технология ва ускуналар улушининг ортиши орқали яққол кўзга ташланмоқда.

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган беқарорлик, глобал молиявий инқирозлар ва уларнинг узоқ муддатли оқибатлари миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, барқарорлиги ва самарадорлигига муайян даражада таъсир кўрсатаётган объектив омил сифатида намоён бўлмоқда. Бундай мураккаб ташқи муҳит шароитида иқтисодий сиёсатнинг узоқни кўзлаб олиб борилиши, ички захира ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш, инвестициявий фаолликни рағбатлантириш ва институционал ислохотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни босқичма-

босқич амалга ошириш нафақат жорий даврда эришилаётган иқтисодий натижаларни мустаҳкамлайди, балки мамлакат иқтисодиётининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор ва рақобатбардош тараққиёт йўлидан ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, 2025 йилга қадар мўлжалланган дастурий йўналишлар инвестиция жараёнларини тизимли ва изчил равишда амалга оширишни талаб этиб, бир вақтнинг ўзида уларни жадаллаштириш, хусусий капитални кенг жалб қилиш ва иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини шакллантиришга қаратилган комплекс ёндашувни ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимизда шаклланган инвестицион муҳит кўп йиллар мобайнида ўтказиб келинаётган иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. Бунда мустақилликнинг дастлабки йилларида ва ундан кейин ҳам ташқи қарзлар соҳасида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фойиз ставкалари бўйича жалб этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу туфайли миллий иқтисодиётнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага қаттиқ боғланиб қолишининг олди олинди. Глобаллашув шароитлари бу йўлнинг нақадар оқилона йўл эканлигини яққол намоён этмоқда.

Маълумки, 2017 - 2023 йилларда кичик бизнес секторини ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонунлар, Фармонлар ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларга асосан 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор этиб тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача икки барабар қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашл бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтормоқда. Хусусан, 2017 - 2023 йилларда тадбиркорлар сони қарийб уч барабар ошди. 2024 ва 2025 йилларда бу жараён айниқса вилоятларда жадаллашди. Тадбиркорлар учун ўз бизнесини бутун мамлакат доирасида кенгайтириш, бошқа ҳудудларда ҳам иш ўринлари яратиш оддий ҳолга айланмоқда. Фаолиятини кичик бизнес субъектлари сифатида бошлаган корхоналарнинг ўрта ва йирик бизнесга ўсиб ўтиши жараёнлари бошланди ва тезлашмоқда. Ҳозирда ички ва ташқи бозорда ўз салмоқли ўрни ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Таъкидлаш лозимки, фақат 2021 йилда ва 2022 йилнинг биринчи ярмилдатадбиркорлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантирини учун 130 триллион сўм кредит, 3,5 триллион сўмлик субсидия

ва компенсация ажратилди. Курилиш саноатида цемент, чарм саноатида бўёқлар ва кимёвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитура ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар импорт бо жидан озод қилинди, натижада маҳсулотларнинг танархини камайтириш учун шароит яратилди.

Бизнес муҳити яхшиланиши тадбиркорларнинг асосий капиталга қўйилмаларга рағбатлантиради. Фақат 2021 йил давомида тадбиркорлар томонидан бизнес учун 55 мингдан ортиқ бинолар қурилди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖА

Макроиктисодий барқарорлик ва халқ фаровонлигини узлуксиз яхшилаб бориш нуктаи назаридан тадбиркорликни янада ривожлаштириш, бизнес шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқ. Бу борада Президент томонидан 2022 йил августда бешта асосий йўналишлар бири бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар асослаб берилди.

Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувларни белгилаш. Хусусан, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради. шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилди. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратди.

Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар учун ҳам қатор солиқ ва компенсация имтиёзлари белгиланди. Коронавирус пандемияси келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Тадбиркорлар учун яна бир енгиллик - 2022 йил 1 июлдан бошлаб бўш бино ёки фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан солиқларнинг онирилган ставкаларини қўллаш бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорларнинг шу тарзда илгари онириб ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан ҳам воз кечилди.

Иккинчи йўналиш - қулай молиялаштириш тизимини қулайлаштирилиши бўлиб, бу мақсадларда кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади. Тадбиркорлик жамғармаси томонидан кафиллик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробарга онирилиши натижасида камида 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит олинган гаров масаласи ҳал бўлади.

Учинчи йўналишда туман ва шаҳарлар шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этилди. 2023 йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилди. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланди. Ерни хусусийлаштириш учун белгиланган сумма, яъни ер солиғининг 20 карраси миқдоридаги тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 каррага, бошқа ҳудудларда 5 каррага пасайтирилди.

Тўртинчи йўналиш - тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ҳимоясига тааллуқли. Ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш, тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйишни фақат суд ҳал этилади. Шунингдек, тадбир-корларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилди. Жумладан, маъмурий судларга ариза беринда давлат божи ставкаси 2 баробар камайтирилди. Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарори устидан судга шикоят киритиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилгача узайтирилди.

Бешинчи йўналишда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалаларини қамраб олган. Аввало, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этинга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. 2023 йилдан 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилинди.

Алоҳида қайд этиш лозимки 2017 йилдан сўнг, яъни 2022 йилга келиб бизнесга солиқлар 16 тадан 9 тага қисқарди, пенсия, мактаб ва йўлжамғармаларга бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъи назар, оборотдан олинар, уларнинг миқдори корхоналарнинг камида 25 - 30 фоиз фойдасига тенг эди. Молк-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробарга камайтирилди.

2023 йилга қадар корхоналарнинг солиқ органлари билан муносабатларини солиқ текнирувларига оид жарималар тури кўплиги ва оғирлиги мураккаблаштирара эди. Ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланиши оддий ҳол эди. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил. Бунга барҳам бериш учун барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлантирилини, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Бундай муаммо айниқса савдо соҳасига хос эди. Бу борада савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик бекор қилинди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашда Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги ҳам яққол намоён бўлмоқда. Унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, ҳукуматга кўриб чиқилиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза тақдим қилиш ваколатлари берилди. Савдо-саноат палатаси ҳукумат

бўйсунувидан тўлиқ чиқарилди ва тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлиши лозим.

Кичик бизнес секторига давлат раҳбари даражасида ниҳоятда жиддий эътибор қаратилаётганини ўз натижаларини бермоқда. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринларини яратди ва нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ҳамда брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Шу билан бирга тадбиркорликнинг энг қуйи бўғинида, маҳалла даадражасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 2025 йилда 1,6 трлн. сўм маблағ ажратилди.

Келажакда иқтисодиётнинг корхоналарда модернизация жараёнларини бошқаришда, фикримизча, қуйидаги механизмларни жорий қилиш лозим:

биринчидан, иқтисодиётнинг етакчи саноат корхоналарида модернизация қилиш жараёнларини бошқариш бўйича ягона тизими ишлаб чиқиш ёки ягона бўғинни ташкил этиш;

иккинчидан, саноат корхоналари умумий менежментида модернизация қилиш жараёнларини бошқариш бўйича тартиб ва принципларни киритиш;

учинчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун олиб келинган асбоб ва ускуналарни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда ўрнатиш ва ишга туширишни қатъий бошқариш;

тўртинчидан, технологик маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналар салмоғи юқори бўлган корхоналарни доимий аудит ва мониторинг қилиш бўйича муттасадди ташкилотларнинг бошқарув ролини кучайтириш;

бешинчидан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарида модернизация жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2023 йил 12 сентябрь.
2. Sirojiddinov, I. Q. (2021). Financial support for economic development of regions in the context of the coronavirus pandemic. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 187-190.
3. Sirojiddinov I., Botirova R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan. - International Journal of Research And development, march 2020.
4. Sirojiddinov I., Botirova R., Hakimov A. Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy- Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020.

5. Sirojiddinov I., Botirova R. Liberazition is acrucial condition for creating modern agriculture in Uzbekistan.- International Journal of Research And development, march 2020.
6. Sirojiddinov I. Q., Sirojiddinov K. I. opportunities for the development and increase of fruit, vegetable production and the export potential of the industry //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 4. – С. 87-90.
7. Sirojiddinov Ikromiiddin Qutbiddinovich. Features of accounting and financial control in small business.- INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 *Impact Factor: 6.876.*, Volume: 16 Issue: 04 in April 2022.